

6. Ковалев В. В. Финансовый менеджмент: теория и практика. 3-е изд., перераб и доп. / Ковалев В. В. – Москва: Проспект, 2016. – 1104 с.
7. Колчина Н.В. Финансы организаций (предприятий). -4-е изд., перераб. и доп./Колчина Н.В. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – 408 с.
8. Savitskaya G.V. [Problem aspects of calculating business performance indicators]. Zhurnal issledovaniy po upravleniyu, 2017, vol. 3, no. 3. pp. 1–28. (In Russ.) URL: <https://naukaru.ru/ru/nauka/article/16027/view>
9. Володина Н.В. Анализ движения денежных средств. Журнал «Бухгалтерский учет», №21, 2000
10. Ефимова О.В. Финансовый анализ: современный инструментарий для принятия экономических решений. Учебник. – М.: Омега-Л, 2014. -351с.
11. Ивашкевич В.Б., Семенова И.М. Учет и анализ дебиторской и кредиторской задолженности. – М.: Изд-во «Бухгалтерский учет», 2003.- 192 с.
12. Константинова Е.П. Международные стандарты финансовой отчетности: Учеб. пособ. – М.: Дашков и К, 2008. – 288 с.
13. Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа коммерческих организаций. – М.: Инфра-М, 2003.
14. Шерр И.Ф. Бухгалтерия и баланс. – М.: Экономическая жизнь, 1925. – 575с.



## ЖОРИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Худойбердиев Одилжон Эгамберди ўғли -  
Тошкент молия институтининг  
мустақил изланувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a24](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a24)

**Аннотация:** Ушбу мақолада жорий активларга хорижий ва маҳаллий олимларнинг ёндашувлари, шунингдек, иқтисодий ресурслар ва талаблар ҳамда уларнинг таркибидаги жорий активлар тушунчаси ва таркиби тадқиқ қилинди. Активлар ва жорий активлар учун таъриф ишлаб чиқилди. Жорий активларнинг халқаро стандартларга мувофиқ таркиби бўйича таклиф ишлаб чиқилди. Амалдаги бухгалтерия баланснинг жорий активлар қисмини такомиллаштириш юзасидан алоҳида йўналишлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ресурслар ва талаблар, жорий активлар, молиявий ҳисобот, оборотдан ташқари активлар, олинган ҳисоботлар.

## СОГЛАСОВАНИЕ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ УЧЕТА И ОТЧЕТНОСТИ ПО ОБОРОТНЫМ АКТИВАМ

Худойбердиев Одилжон Эгамберди ўғли -  
независимый научный сотрудник  
Ташкентского финансового института

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются подходы зарубежных и отечественных ученых на оборотные средства, а также экономические ресурсы и потребности, а также понятие и состав оборотных средств в их составе. Разработано определение активов и оборотных средств. Разработано предложение по составу оборотных средств в соответствии с международными стандартами. Предложены отдельные направления совершенствования части оборотных средств текущего баланса.

**Ключевые слова:** экономические ресурсы и потребности, оборотные средства, финансовая отчетность, внеоборотные активы, дебиторская задолженность

## CORRESPONDING OF CURRENT ASSETS ACCOUNTING AND REPORTING TO INTERNATIONAL STANDARDS

Khudoiberdiev Odiljon Egamberdi oglu -  
Independent Researcher of Tashkent Financial Institute

**Abstract:** This article examines the views of foreign and domestic scholars on current assets, as well as economic resources and requirements, and the concept and composition of current assets in their composition. A definition for assets and current assets has been developed. A proposal on the composition of current assets in accordance with international standards has been developed. Special directions for improving the current assets of the current balance sheet are proposed

**Keywords:** economic resources and claims, current assets, financial reporting, non-current assets, accounts receivable

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги қарори[1] қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи

корхоналар ўз ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқ тақдим этиши белгиланган. Бундай муҳим вазифаларни ҳал қилишда халқаро стандартлар ва хорижий тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса МХХСларида ҳар бир атамани синчковлик билан ўрганиш, уни таҳлил қилиш ва жорий қилиш методологиясини татбиқ этиш керак.

Халқаро стандартларда активларга иқтисодий наф яратадиган иқтисодий ресурслар деб таъриф келтирилган. Шу боис, активларни, жумладан унинг таркибий қисми бўлган оборот (жорий) активларни тадқиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади. Изланишларда активлар ҳисоби, жумладан оборот (жорий) активлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш зарурати асосланган. Амалдаги бухгалтерия балансида активлар таркиби халқаро стандартлар талабларига жавоб бермайди. Бугунги кунда замонавий бухгалтерия баланси форматини яратиш зарурати мавжуд. Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, жорий активлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш долзарб мавзу ҳисобланади.

**Адабиётлар шарҳи.** Тадқиқотимиз давомида ўрганишга қаратилган атамаларидан бири “иқтисодий ресурслар ва талаблар” деб аталади. Бу атаманинг инглизча номи “Economic resources and claims” русчага “Экономические ресурсы и требования” деб таржима қилинган. Ўзбек тилига “Иқтисодий ресурслар ва талаблар” деб таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодий ресурслар иқтисодий маънода компаниянинг молиявий иқтисодий фаолиятида қўлланилаётган барча моддий ва номоддий ресурслар мажмуасидир. Уларнинг таркибига табиий ресурслар (табиий бойликлар, жумладан ер, ер ости қазилмалари, биологик активлар), капитал (пул ва ишлаб чиқариш воситалари), меҳнат ресурслари (иш ва ходимлар), номоддий ресурслар (интеллектуал мулк ва тадбиркорлик иқтидори) киради.

Молиявий ҳисоботнинг янги концептуал асослари [2] “иқтисодий ресурслар ва талаблар” жорий этган. Унга мувофиқ умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисоботлар ҳисобот бераётган ташкилотнинг молиявий ҳолати тўғрисида ахборотлар тақдим этилиши керак. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ахборотлар бу асосан ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва уларга талабларга доир ахборотларни қамраб олади. Молиявий ҳисоботлар шу билан бир қаторда ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва уларга талаблар ўзгаришига олиб келувчи операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг оқибатлари тўғрисидаги ахборотларни ҳам тақдим этади, қайсики ушбу ахборотлар ташкилот тасарруфига ресурсларни

тақдим қилишга доир қарорлар қабул қилишда асос сифатида хизмат қилади.

Саоуд Ж.Машкоур Аламру “Жорий активлар бизнеснинг нормал жараёнида бир йил ичида нақд пулга айланиши кутилаётган барча активларнинг қийматини ифодалайди. Жорий активларга товар-моддий захиралар, дебиторлик қарзлари, сотиладиган қимматли қоғозлар, пул маблағлари, олдиндан тўланган харажатлар ва осонлик билан пулга айланиши мумкин бўлган бошқа ликвид активлар киради” [5] деб таъкидлаган.

Ўз илмий изланишларида У.А.Нурманов “Жорий активлар – ҳўжалик субъектининг доимий ҳаракатдаги мобил активлари бўлиб, бир ишлаб чиқариш (меъёрий операцион) цикли давомида ўз қиймати ва шаклини яратилаётган маҳсулотларга тўлиқ ўтказувчи бойликлар ҳисобланиб, улар таркибига товар-моддий захиралари, келгуси давр харажатлари, кечиктирилган харажатлар, пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар, дебиторлар ва бошқа жорий активлар киритилади” [10] дея таъриф берган.

Соҳага доир адабиётларда жорий активларнинг кенг тарқалган қуйидаги формуласи келтирилган:

“Жорий активлар = Пул маблағлари + Пул эквивалентлари + Захира + Олинадиган счеллар + Сотилган қобилиятли қимматли қоғозлар + Олдиндан тўланган харажатлар + Бошқа ликвидли активлар (Current assets = Cash + Cash Equivalents + Inventory + Accounts Receivable + Market Securities + Prepaid Expenses + Other Liquid Assets)” [7]

Жаҳон иқтисодиёти рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида бухгалтерия ҳисобида “рақамли активлар” тушунчаси юзага келмоқда. АҚШ олими Неил Амато ўзининг АҚШдаги энг нуфузли журнали “Accountancy” журналидаги [6] мақоласида рақамли активлар профессионал ташкилотлар томонидан киритилаётганлиги таъкидлаб, унинг ҳисоби ва аудит ўтказиш методологияси кўрсатиб беради.

Мамлакатимизда соҳага доир адабиётларда “жорий активлар” тушунчасининг таърифи халқаро стандартлар талабларига жавоб бермайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва молиявий ҳисоботнинг тасдиқланган шакларида жорий активлар таркибини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш зарурати мавжуд. Амалиётда бухгалтерлар жорий активлар моддаларини баҳолаш, ҳисобга олишда ва ҳисоботларда акс эттиришда стандартлар талабига уйғун бўлган методик тавсиялар етишмаслигини ҳис этмоқдалар.

1-сон БҲМСда [3] жорий (оборот) активлар сифатида тан олишда қуйидагиларни мезон сифатида қарайди:

“1. Хўжалик субъекти операцион фаолиятнинг қисми ҳисобланиб, субъектнинг нормал операцион цикли доирасида унинг олиниши ва истеъмол қилиниши кутилади.

2. Асосан қайта сотиш мақсадида тутиб турилади ёки қисқа муддатда ёки ҳисобот санасидан 12 ой давомида фойдаланиши кутилади”.

Мазкур ҳолатни таҳлил қилсак, “хўжалик субъекти” атамасининг ўрнига компания ёки ташкилот атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жорий активларни операцион фаолиятнинг қисми деб қараш ҳам тўғри эмас, у операцион фаолиятда иштирок этади. Ушбу жиҳатларни ўзгартириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

21-сон БХМСга мувофиқ счётлар режасида [4] жорий активларни ҳисоби учун қуйидаги бўлимлар бириктирилган: “1. Товар-моддий бойликлар. 2. Келгуси давр сарфлари ва муддати узайтирилган сарфлар-жорий қисми. 3. Олинган счётлар. 4. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар.” Ушбу таркибни ҳам халқаро стандартларга мувофиқлаштириш талаб этилади. Масалан, “товар-моддий бойликлар” бу умумий иқтисодий тушунча, бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган тушунчалар аниқ ва раво бўлиши керак. Шу боис, “захиралар” деб номланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот ишида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт-мантқиқий фикрлаш, монографик кузатув, иқтисодий таҳлил усуллари ва математик формулалардан фойдаланилди. Бу усуллар ёрдамида мавзуга доир илмий адабиётлар танқидий ўрганилди, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштириш нуқтаи назаридан тадқиқ этилди, корхоналар амалиётида молиявий ҳисобот шакллари мазмун ва шакл нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

**Таҳлил ва натижалар.** Бухгалтерия ҳисоби маъносида иқтисодий ресурслар деганда фойда олиш мақсадида ташкилотга жалб этилган оборотдан ташқари ва оборот маблағлар (ресурслар) мажмуасига айтилади.

Оборотдан ташқари активлар бу узоқ муддатга хизмат қиладиган табиий ресурслар (ер ости бойликлари), кўчмас мулклар (ер, бино ва иншоотлар), инвестициявий мулклар, машина ва асбоб-ускуналар, номоддий активлар, биологик активлар, узоқ муддатли инвестициялар киради.

Оборот маблағлар ёки жорий активлар бу ташкилотнинг операцион цикли давомида айланадиган, ўз қийматини янгидан яратилаётган маҳсулотга ўтказадиган маблағлардир. Уларнинг таркибига товар-моддий захиралар, деби-

торлик қарзлари, пуб маблағлари ва бошқа жорий активлар киради.

Иқтисодий ресурсларга талаблар эса, иқтисодий ресурсларга эгалик ҳуқуқи ва мажбуриятларни тавсифлайди. Буларга хусусий капитал ва мажбуриятлар киради.

Халқаро стандартларга мувофиқ иқтисодий ресурслар ва талаблар иккита омил таъсирида ўзгариши қайд қилинган:

1. Молиявий натижалар

2. Молиявий натижалар билан боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар

Ҳисобот бераётган корхонанинг молиявий натижалари тўғрисидаги ахборотлари фойдаланувчиларда ташкилот ўзидаги мавжуд иқтисодий ресурслардан қанчалик даражада самара олганлигини тавсифлашда ёрдам беради. Бу олинган ахборотлар ташкилот раҳбарияти ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги мажбуриятларини қанчалик даражада бажарганлигини баҳолашда қўл келади. Молиявий натижалар ресурсларни кўпайтиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Молиявий натижалар ташкилотнинг иқтисодий ресурслар орқали соф пул маблағларини ишлаб топиш қобилияти баҳолайди. Агар компания зарар билан ҳисобот йилини якунласа бу ҳодисалар иқтисодий ресурслар камайишига олиб келади.

Иқтисодий ресурслар молиявий натижалар билан боғлиқ бўлмаган омиллар ҳисобидан ҳам ўзгариши мумкин. Бу омилларга қўшимча капиталда қатнашиш ҳиссасини ошириш учун акцияларнинг чиқарилиши ёки таъсисчилар томонидан қўшимча капитал киритилишини мисол қилиш мумкин. Бундай ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотлар фойдаланувчиларда ҳисобот бераётган ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва унга талаблар қандай омилнинг ҳисобидан юз берганлигини тушуниш учун керак.

Демак, иқтисодий ресурслар ўзгаришини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\Delta ИР = \Delta ИР_{\text{мн}} + \Delta ИР_{\text{бо}}$$

бу ерда:  $\Delta ИР$  – иқтисодий ресурсларнинг ўзгариши;

$\Delta ИР_{\text{мн}}$  – иқтисодий ресурсларнинг молиявий натижалар ҳисобидан ўзгариши;

$\Delta ИР_{\text{бо}}$  - иқтисодий ресурсларнинг бошқа омиллар ҳисобидан ўзгариши.

Жорий (оборот) активлар корхона иқтисодий ресурсларининг таркибида салмоқли ҳиссани ташкил этиб, операцион циклда мунтазам айланиб, ўзининг қийматини янгидан яратилган маҳсулотга ўтказиб боради. Концептуал асосларда молиявий ҳисоботнинг элементлари сифатида қуйидагилар қайд қилинган (1-расм)





Ушбу жадвалдан асосида хулоса қилади-ган бўлсак, оборотда қатнашишига қараб активларни иккита гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Оборотдан ташқари активлар (уларнинг таркиби жадвалда келтирилган);

2. Оборот (жорий) активлар (уларнинг таркиби жадвалда келтирилган).

Стандарт талабларига кўра оборот (жорий) активлар сифатида тан олинishi учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши қайд этилган (2-жадвал):

**2-жадвал**

**Оборот (жорий) активларни тан олиш мезонлари ва уларнинг мазмуни**

Мезонларнинг номланиши	Мазмуни
1. Уни реализация қилиш кўзда тутилади ёки сотиш учун тутиб туриш ёки компаниянинг одатдаги операцион цикли шароитида фойдаланади	Реализация қилишни кўзда тутиш деганда актив сотилади; сотиш учун тутиб туриш деганда захира сотиш учун сақланилади; операцион цикли шароитида фойдаланиш деганда хомашёлар ишлаб чиқариш учун захира сифатида сақланилади
2. Савдо мақсадларида кўзда тутилган бўлади	Савдо мақсадларида кўзда тутиш деганда активлар қайта сотиш мақсадида сотиб олинади
3. Уни ҳисобот санасидан кейин 12 ой давомида реализация қилиш кўзда тутилади	Ҳисобот санасидан кейин 12 ой ичида сотилиши кутилаётган, яъни сотиш учун мўлжалланган ҳар қандай актив оборот активи ҳисобланади. Савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари ҳам оборот актив ҳисобланади агарда 12 ой ичида сўндирилиши кўзда тутилган бўлса.
4. Пул маблағлари ва эквивалентлари кўринишидаги активлар	Фойдаланишга ҳеч қандай тўсиққа эга бўлмаган, бошқа активларга тез айланадиган энг ликвидли актив ҳисобланади

*Манба: 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” стандартига мувофиқ муаллиф ишланмаси.*

Ушбу мезонлар жорий активларни тан олиш учун асос сифатида хизмат қилади. Тан олинган ва баҳоланган оборот (жорий) активлар баланс қийматида ҳисоботларда акс эттирилади.

Юқоридаги стандарт талаблари асосида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда оборот (жорий) активлар қуйидаги таркибда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда оборот (жорий актив)ларни акс эттириш**

Кўрсаткичлар	2020 йил 31 декабрь	2021 йил 31 декабрь
Захиралар	X	X
Савдо ва бошқа олинadиган счетлар	X	X
Пул маблағлари ва пул эквивалентлари	X	X
Сотишга мўлжалланган оборотдан ташқари активлар ва сотишга мўлжалланган чиқиб кетаётган гуруҳлар активлари	X	X
Жорий ва муддат узайтирилган солиқ активлари (алоҳида)	X	X
Бошқа оборот (жорий) активлар	X	X

*Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

Бугунги кунда амалда бўлган бухгалтерия балансида жорий активлар учун актив қисмида II-бўлим «Жорий активлар» ажратилган. Унинг таркибий қисмини қуйидаги жадвалда келтирамиз (4-жадвал). Ушбу жадвал асосида амалдаги бухгалтерия балансининг жорий активлар қисмини қуйидагича такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

**Биринчидан**, амалда шаклда жорий активлар учун 23 та сатр ажратилган. Ҳолбуки, юқорида 3-жадвалда халқаро стандартлар талабларида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда 6 сатр ажратилган. Шу сабабли, балансда бир қанча моддаларни очиқлаш зарурати мавжуд. Масалан, “товар-моддий захиралар” моддасини юқорида таклиф қилинганидек “Захира-

лар” деб номлаб, балансда битта моддада акс эттириш, агар компания ўз ҳисоб сиёсатида мақсадга мувофиқ деб топса, у ҳолда очиқлашларда захираларнинг турлари бўйича ахборотлар тақдим этилиши мумкин. 1-сон БҲХСда захиралар бўйича очиқлашлар талаб этилмаган. Дебиторлик қарзларини иккита гуруҳга ажратиш керак: савдо олинadиган счетлар ва носавдо олинadиган счетлар. Амалдаги тартибда эса бу қоидага риоя этилмаган. Натижада, пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот асосида тузишнинг имконияти бўлмайди. Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам жамиятлар қарзларини консолидациялашга доир стандартлар талабларига мувофиқлаштириш керак.

Амалдаги бухгалтерия балансида жорий активлар таркиби ва такомиллаштириш йўналишлари

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Такомиллаштириш йўналишлари
Товар-моддий захиралари, жами (сатр 150+160+170+180), шу жумладан:	140	“Захиралар” деб номлаш мақсадга мувофиқ
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	Ҳисоботга очиқлашларда келтириш керак
Туталланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	Ҳисоботга очиқлашларда келтириш керак
Тайёр маҳсулот (2800)	170	Ҳисоботга очиқлашларда келтириш керак
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	Ҳисоботга очиқлашларда келтириш керак
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	Халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200	Халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш
Дебиторлар жами (220+230+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	Дебиторлик қарзларини “Савдо ва бошқа олинadиган счетлар”га таснифлаш керак
шундан: муддати ўтган	211	Ички ахборот тизимида қолдириш керак
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	Фақат савдо дебиторлик қарзи қисмини қолдириш керак
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	Консолидациялашган ҳисобот талабларига мувофиқлаштириш
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240	Консолидациялашган ҳисобот талабларига мувофиқлаштириш
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	17-сон БҲХС “Ходимларни рағбатлантириш” стандартига мувофиқлаштириш
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар	260	Савдо дебиторлик қисмини қолдириш керак, носавдо қисмини алоҳида сатрда акс эттириш
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	270 ва 280 сатрларни бирлаштириш керак
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ	280	270 ва 280 сатрларни бирлаштириш керак
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	Хусусий капитални ҳақиқий киритгани бўйича шакллантириш керак. Шунда улушлар бўйича қарзлар шаклланмайди
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	Халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	Носавдо олинadиган счетларга мўлжалланган бўлиши керак
Пул маблағлари, жами (сатр 330+340+350+360), шу жумладан:	320	Пул маблағлари ва эквивалентларини битта сатрда акс эттириш мақсадга мувофиқ (кассадаги, ҳисоб-китоб счегидаги ва чет эл валютасидаги пул маблағларини бирлаштириш керак)
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	Халқаро стандартлар талабига мувофиқлаштириш керак
Бошқа жорий активлар (5900)	380	МҲХСга мувофиқлаштириш керак
II бўлим бўйича жами (сатр 140+190+200+210+320+370 +380)	390	

*Манба:* Бухгалтерия балансининг амалдаги шакли асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Иккинчидан,** жорий солиқ активлари, сотишга мўлжалланган узоқ муддатли активлар учун ҳам алоҳида сатрлар ажратиш керак. Бунинг учун фойда солиғи ва сотишга мўлжалланган оборотдан ташқари активларни тартибга солувчи стандартлар талабларини жорий этиш керак.

Ушбу такомиллаштириш йўналишлари бухгалтерия балансида шаффоф ҳамда уйғун ва ҳаққоний ахборотларни акс эттириш имкониятини беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қиладиган бўлсак, ишда иқтисодий ресурслар ва талаблар тушунчасини моҳияти ёритиб берилди. Уларнинг таркибини халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш кераклиги таъкидланди. Активлар ва жорий активларга бухгалтерия ҳисоби маъносида таърифи ишлаб чиқилди. Бугунги кунда амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлармизда жорий активлар тавсифи ва таркибини қайта ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ишда активларнинг, жумладан жорий активларнинг халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган таркиби ишлаб чиқилди. Концептуал асослар, 1-сон БХМС “Ҳисобот сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандартларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди. Амалда бухгалтерия балансида жорий активларни таркиби бўйича акс эттирилиши тадқиқ қилиниб, уларни такомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, сатрларни қисқарти-

риш, товар моддий захираларни битта моддада бирлаштириш, дебиторлик қарзларини савдо ва носавдо турларга таснифлаш бўйича таклифлар келтирилди.

Бу таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши жорий активлар ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ҳисоботларда акс эттириладиган ахборотларнинг сифати ошишига хизмат қилади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagi PQ-4611-son "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" qarori. <https://lex.uz/docs/4746047>
2. «Konseptualnie osnovi finansovoy otchetnosti» [https://www.minfin.ru/common/upload/library/2014/06/main/kontseptualnye\\_osnovy\\_na\\_sayt\\_bez\\_predisloviya\\_-\\_kopiya.pdf](https://www.minfin.ru/common/upload/library/2014/06/main/kontseptualnye_osnovy_na_sayt_bez_predisloviya_-_kopiya.pdf)
3. 1-son BHMS "Hisob siyosati va moliyaviy hisobot". <https://lex.uz/nsbu>
4. 21-son BHMS "Xo'jalik yurituvchi subyektlar moliyaviy-xo'jalik faoliyatining buxgalteriya hisobi schyotlari rejasi va uni qo'llash bo'yicha Yo'riqnomasi" <https://lex.uz/acts/809350>
5. Accounting in english (pp.51) Publisher: Printed by : Dar Al-Dhiya for printing and Designs - 2 Ed, – Najaf – February 2019 [https://www.researchgate.net/publication/331287344\\_CHAPTER\\_4\\_CURRENT\\_ASSETS](https://www.researchgate.net/publication/331287344_CHAPTER_4_CURRENT_ASSETS)
6. <https://byjus.com/commerce/what-are-current-assets/>
7. Hosted by Neil Amato. Digital assets: Auditing, accounting, and what's next December 3, 2021 <https://www.journalofaccountancy.com/podcast/cpa-news-digital-assets-auditing-accounting.html>
8. Karimov A.A., Kurbanbayev J.E., Jumanazarov S.A. Buxgalteriya hisobi. Darslik. – T.: "Iqtisod-Moliya", 2019. 624 b.
9. Tuychiyev A.J. va boshqalar, Audit. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2019.- 416 b.
10. Nurmanov U.A. Joriy aktivlar hisobi va tahlilini takomillashtirish. // Iqtisod fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya avtoreferati. – T., 2012-y. - 26 b.
11. Mavlyanova D.M. Joriy aktivlar hisobi, tahlili va auditini uslubiy jihatlarini takomillashtirish. // Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – T., 2020-y.

### **АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**



[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a25](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a25)

**Баракаев Отабек Отақулович -**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг  
Аудит услуги ва аудиторлик ташкилотлари  
иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш  
бўлими бошлиғи, Ph.D.

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда Аудитнинг халқаро стандартларини қўллашнинг аҳамияти ўрганилган, Аудитнинг халқаро стандартларини жорий этишдаги ёндашувлар таснифланган. Хорижий мамлакатларда Аудитнинг халқаро стандартларини жорий этиш амалиёти ва жорий ҳолати юзасидан хулосалар шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикасида Аудитнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ва қўллаш борасидаги тадбирлар, унинг таркибига кирадиган ҳужжатлар, аудитнинг халқаро стандартларини тан олишнинг ҳаракатлар изчиллиги ва такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** аудит, аудиторлик ташкилотлари, аудитор, Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС).

### **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТОРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ АУДИТА**

**Баракаев Отабек Отақулович**

Начальник отдела методологии аудита и внешнего  
контроля качества аудиторских организаций Министерства  
финансов Республики Узбекистан, Ph.D.

**Аннотация.** В статье рассматривается важность применения Международных стандартов аудита, исследуются подходы к внедрению Международных стандартов аудита, классифицируются выводы о практике и текущем состоянии внедрения Международных стандартов аудита в зарубежных странах, разрабатываются меры по внедрению и применению Международных стандартов аудита в Республике Узбекистан, включенные в него документы, рекомендации по последовательности действий по признанию Международных стандартов аудита и предложения по их совершенствованию.

**Ключевые слова:** аудит, аудиторские организации, аудитор, Международные стандарты аудита (МСА).